

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 29476

«18» 06 2022 йил

Беруний тумани

Бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи Беруний тумани Беруний НСваЭБ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Примов. У бир томондан ва бундан буён «ПУТРАТЧИ» деб аталувчи «Берунийсулмахсуствамиркурилиш»МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Зарипов К. иккинчи тарафдан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан тўла таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 19 950 000 сўмни ташкил этди

2. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «18» 06 2022 йил.

2.2. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «18» 09 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 19 950 000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 5 985 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июнь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 13 965 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 85 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабрь гача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Пудратчи: Шартнома баҳоси 19 950 000 сўм бўлган кўрсатиладиган хизматларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

4.2. Агар таъмирлаш ишлари мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига куйидаги тартибда жарима тўлайди:

-Таъмирлаш ишларининг муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ кўрсатилмаган, пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ бажармаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ таъмирлаш ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тулик ҳажмда, далолатнома асосида топширади.

4.4. Буюртмачи:

Шартномада курсатилган 3.2. ва 3.3. бандлари бузилса, таъмирлаш ишларининг ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.5. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил. “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, кўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
«Беруний Сувмахсуствамир курилиш»МЧЖ	Беруний НСваЭБ
Манзил: Беруний ш. Кат, уй№86	Манзил: Беруний т.Куча Кат, уй№84
х/р: 2020 8000 5025 3809 4001	Ш/хв: 1000 2186 0352 0770 4240 2170 002
Банк номи: Кишлоқ курилиш банк г. Беруний	СТИР: 200 937 552
МФО: 22100	ОКОНХ: 22100
СТИР: 202 343 555	Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
ОКОНХ: 61124	ЎР Молия вазирлиги Ғазначилиги
	Марказий банк Тошкент шах ББХККМ
	ИНН:00014 СТИР:201 122 919
	Тел: 8-361-524-33-93 Факс: 8-361-524-35-81

10. Тарафларнинг имзо ва муҳрлари.


«Пудратчи»
И.ў.
(Имзо)


«Пудратчи»
И.ў.
(Ф.И.Ш.)


«Буюртмачи»
М.ў.
(Имзо)

(Ф.И.Ш.)

ПРИЛОЖЕНИЕ №1
к договору 19476
от "18" 06 2022г.

РАСЧЁТ
Выполнения работ

№ п/п	Наименование видов работ	ед. изм.	Кол-во	Цена	Сумма
1	Н.ст Қилчиноқ ОГ-1 агр№3 ОГ насос тўла таъмир	шт	1	19 950 000	19 950 000
	ИТОГО:				19 950 000
(Ўн тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг сўм)					


 Подрядчик
 (подпись, печать)


 Заказчик
 (подпись, печать)